ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 15 декабрь, сешанба • № 149 (24.386).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Президент китоби америкалик олимлар эътиборида

Илгари хабар қилинганидек, ўтган ҳафтада Ж. Вашингтон университетида (АҚШ) Ўзбекистон Республикаси элчихонаси ва Евроосиё тадқиқотлари институти томонидан уюштирилган Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Қуйида америкалик машҳур олимларнинг фикр-мулоҳазаларини келтирамиз.

Тақдимот маросимини америкалик таниқли иқтисодчи, ўтиш даври иқтисоди бўйича ёзилган машҳур асарлар муаллифи, Ж. Вашингтон университети қошидаги Евроосиё тадқиқотлари институти директори Жеймс Миллер очди. У ўз маърузасида «фалаж терапияси» сиёсатининг қатор янги мустақил давлатлардаги муваффақиятсизлиги бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш сиёсатининг асосий афзалликларини намойиш этди ва унинг Ўзбекистон шароитида қўлланилиши ягона тўғри қарор бўлди, деб таъкидлади. Ж. Миллер Президент И. Каримов асарида баён этилган ўтиш даврининг иқтисодий таҳлилига юксак баҳо берди. Унинг фикрича, давлат раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон тажрибаси ва унинг иқтисодий тараққиётининг назарий асослари халқаро даражада муҳим аҳамият касб этади. Ислоҳотлар арафасидаги ноқулай бошланғич шароитлар ва кескин ижтимоий қарама-қаршиликлар силсиласида мамлакат аксарият янги мустақил давлатларга хос кескин иқтисодий тушкунлик, оммавий зиддиятлардан ўзини сақлаб қолди.

Машҳур америкалик сиёсатшунос, АҚШнинг етакчи «ақлий маркази» ҳисобланган «RAND Corporation» маслаҳатчиси П. Хензе маърузасида диққат-эътибор Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатларининг минтақавий ҳамкорлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш стратегиясига қаратилди. Ўзбекистонни минтақадаги етакчи давлат сифатида баҳолашда унинг қандайдир сиёсий, ҳарбий ёки иқтисодий устунлиги эмас, балки умуман Марказий Осиё халқларининг осойишталиги ва хавфсизлигини муҳофаза қилиш ишидаги юқори даражадаги масъулияти, МДҲда давлатлар устидан турадиган тузилмаларни қайта тиклашга, қўшни давлатларнинг суверенитети ва миллий мустақиллигини чеклашга қаратилган ҳар қандай уринишларга бўлган принципиал қаршилиги эътиборга олиниши таъкидлаб ўтилди.

П. Хензеннинг фикрига кўра, И. Каримовнинг тўлақонли минтақавий интеграция ғоясининг ҳар тарафлама олдинга сурилишидаги ўрни шак-шубҳасиздир, унинг китобидаги Марказий Осиё тарихий мероси, шу минтақа халқлари тақдирларининг муштараклигига оид масалаларнинг чуқур англанилиши алоҳида аҳамиятга эга.

Тақдимот маросимида шунингдек, университет қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти директори Ж. Хопкинса Ф. Стар нутқ сўзлади. У МДҲнинг айрим мамлакатларидаги иқтисодий ва сиёсий аҳволни солиштирар экан, И. Каримовнинг улкан хизматларидан бири мамлакат давлат тизими тўла ишлашининг назарий лойиҳаси ва унинг амалда таъминланиши эканини таъкидлаб ўтди. Европа қайта тиклаш ва ривожланиш банки маълумотларида баён этилган Шарқий Европа ва собиқ СССРнинг 25 та давлатидаги ички ялпи маҳсулот кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатларининг барчасидан ўзиб, умумий рейтинг бўйича қўплаб МДҲ мамлакатларини ортда қолдириб, олтинчи поғонани эгаллади.

Евроосиё тадқиқотлари институтининг профессори К. Менгес китобнинг сиёсий ислоҳотлар бобини таҳлил қилиб, муаллифнинг минтақа сиёсий ривожланишининг мантиқи ва унинг ўзига хос хусусиятларини очишдаги хизматларини айтиб ўтди. Ўзбекистоннинг ғарб мамлакатлари, хусусан АҚШ билан муносабатларининг босқичма-босқич ривожланаётгани ва мамлакатдаги миллатлараро тотувликка эришилганлигининг алоҳида аҳамиятини таъкидлади.

Институтнинг бошқа профессори Ч. Эллиот замонавий дунёда стратегик хавфсизликни таъминлаш ва диний ақидапарастлик, халқаро терроризм ва наркотик моддаларнинг тарқалиб кетмаслигига қарши курашда Ўзбекистоннинг роли катта эканлигини айтиб ўтди. Унинг фикрича, Президент Ислом Каримов китобида ҳарбий қурилиш, ҳарбий-сиёсий соҳада халқаро ҳамкорлик каби мавзу ва масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Ч. Эллиот ўз маърузасининг сўнггида Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиётининг ички ва ташқи сиёсий йўналишлари аввало ўз мамлакатининг миллий манфаатларига мос келади деб таъкидлади, И. Каримовни мамлакат Президенти сифатида фаолиятининг мазмуни ва характерини ўз мамлакатини инқирозботқоғидан олиб чиқиб, барқарорликнинг таъминланишига эришган урушдан кейинги Германия канцлери К. Аденауэр фаолияти билан тенглаштирди.

«Жаҳон» АА.

Хатлар, хатлар, хатлар

Қачон боғчага борамиз?

Янгисини қурмасдан, эскисини бузмаймиз деган нақлнамо гап халқ дилига жо бўлиб кетган, десак муболаға бўлмайди. Зеро, таҳририятимизга келаётган кўплаб хатлардан бирида эса, бузиш ёки қуриш ҳақида фикр йўқ. Балки, таъминлаш баҳонасида умуман ёпиб қўйилган боғча ҳақида гап боради. Қизиғи шундаки, болалар «Қачон боғчага борамиз?» дейишса, катталар «Қачон боғча очиларкин?» деган саволга жавоб тополмай аросатда юришибди. Келинг яхшиси, хат билан танишсак.

«Биз бу мактубни Тошкент тумани, Келес истиқомат масканидаги Ойбек, Охунбобоев, Чилонзор, Обод, Х. Олимжон, Стекольная кўчаларида яшаб турган аҳоли номидан йўллаяпмиз. Гап шундаки, узоқ йиллардан бери намунали иш фаолияти билан оғизга тушиб келаётан «Гунафша» болалар боғчасини ҳе йўқ, бе йўқ ёпилиб қолганида. Ваҳоланки, боғча беш гуруҳли бўлиб 150 нафар бола тарбияланарди. Нима бўлди-ю, гуруҳлар қисқартирилиб, бўш хоналарга ТТМЗ раҳбарлари розилиги билан 1996 йилдан бошлаб хорижий меҳмонлар жойлаштирилди. Боғчанинг қаровсиз қолиши шу кундан бошланди. Ваҳоланки, биз яшаб турган ҳудуд аҳолиси зич бўлиб, турли ташкилот, муассаса ва корхоналар мавжудки бу ерларда меҳнат қилаётган ота-оналар сўзсиз ўз фарзандларини боғчага йўллашлари лозим бўлади. Энди нима бўляпти. Одамлар ишга боришни ҳам, боролмасликни ҳам билолмай қийин аҳволда қолишган бўлса, уларнинг фарзандлари боғчадош ҳамроҳларини йўқотиб қўйгандек, ўзига хос одамовиликни бошдан кечиришмоқда.

«Бу боғча 1942 йилдан бери фаолият кўрсатарди,— деб ёзади мудира Х. Каримова. — 1988 йили боғча «Кормиз» қарамоғига ўтказилди. Ходимларимиз қисқартирилди. Болалар боғчага келмай қўйишди. Кўпгина ходималарга ўз ҳисобларидан таътилга чиқишларига розилик берилди. Шу йилнинг апрелидан бошлаб боғча таъмирлаш баҳонасида ёпилди».

Болалар боғчасининг аҳамияти ҳақида гапириб ўтиришга хожат бўлмаса керак. Қачонгача болаларимиз боғчага бораман деб, бизларни сўроққа тутадилар. Ахир, гап нимада экани очиқ равшан ҳал этиб, жамоага ошкора қилинса бўлмайдими? Бирдан бир илтимосимиз шуки, «Гунафша»нинг эшиклари яна очилса, деб

РАЗЗОҚОВА, ИМОМАЛИЕВА, ХАЛИМОВА, ОХУНОВА, ТОШЕВА жами 30 дан ортиқ имзо».

Бу дунёнинг ишлари

Кобул ракетадан ўққа тутилди

Кобулнинг шимолий қисмлари ракетадан ўққа тутилгани оқибатида камида 16 киши ҳалок бўлди ва 70 дан зиёд одам жароҳат олди. Афғонистон пойтахтидан хабар қилишларича, учта ракета Қалай Патула туманида порт-лади. Улардан бири лиқ-лиқ тўла автобус устига тушди. Кўплаб ярадорларга Кобул касалхоналарида ўз вақтида ёрдам беришнинг иложи бўлмади. Дори-дармонларнинг етишмаслиги бунга халақит берди. Кўплаб ярадорлар Кобулдаги халқаро Қизил Хоч ташкилотининг госпиталларига вақтида келтирилганлиги туфайли омон қолди. «Толибон» ҳаракати раҳбарларининг айтишига кўра, Афғонистон пойтахтига Аҳмад Шох Масъуд қўшинлари ракета ташлашган.

АҚШ ўз мажбуриятига содиқ

АҚШ Яқин Шарқ ҳудудидаги ва Исроил фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги кафолатларини таъминлаш учун олган мажбуриятларига ҳамон содиқ. Бу ҳақда Исроил ва Фаластин маъмуриятига ташриф билан борган АҚШ Президенти Билл Клинтон Қуддус шаҳрида айтди. У Исроил Бош вазири Беняминь Нетаньяху билан биргаликда ўтказган қўшма матбуот анжуманида шу ҳақда гапирди. Билл Клинтон АҚШ конгрессига мурожаат қилиб, Исроил хавфсизлигини таъминлаш учун қўшимча 1,2 миллиард доллар маблағ ажратишни сўрамоқчи эканлигини айтди. АҚШ Президенти Исроил ва Фаластиннинг шу йилнинг октябрь ойида Вашингтонда имзоланган шартнома хужжатларини тезроқ ҳаётга жорий этишга чақирди. Шу боис улар тинчлик жараёнини давом эттириб ўз мажбуриятларини бажаришлари зарурлигини таъкидлади.

Ёзувчи бўғиб ўлдирилди

Яқинда Теҳрон атрофидаги қишлоқлардан бирида Эрон ёзувчиси Пуяндеханинг жасади топилди. Қариндошларининг сўзларига қараганда у бўғиб ўлдирилганди. Ўтган ҳафтада эса, Теҳронда номаълум вазиятда ҳалок бўлган шоир Мохтарийнинг жасади топилган эди. Яна бир эронлик ёзувчи Довоний эса ном-нишонсиз кетганлар рўйхатида турибди. Кейинги икки ой ичида Эронда уч нафар мамлакатни демократлаштириш йўлида ҳаракат қилаётган маданият арбоблари ўлдирилди. Яқинда Миллий хавфсизлик кенгашининг тезкор йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисда Эрон ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг раҳбарлари мамлакат Президенти Муҳаммад Хотамийга яқинда юз берган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ҳаракатлари ҳақида ҳисобот беришди.



Ҳаёт «томирлари» — *В. Тимченко олган сурат*

ХДП хабари

«Энг яхши боғ» кўрик-танлови

Шу йилнинг апрель ойида Ўзбекистон ХДП Эллиққалъа тумани кенгаши ижроия бюроси тавсияси билан «Нуроний», «Камолот» жамғармалари бўлимлари, туман агросаноат ходимлари касаба уюшмалари қўмитаси, «Боғбонлар ва полиз етиштирувчилар» уюшмаси билан ҳамкорликда «Энг яхши боғ» кўрик танловини ўтказишга қарор қилинган эди.

Кўрик-танловда «Бўстон» хўжалиги фуқароси Айтбой Аҳмедов биринчи ўринни эгаллаб, мукофотланди. Шунингдек, Тўхтабой Аминов, Қорабой Ёқубов, Отахон Болтоев, Олламберган Матёқубовлар ҳам яхши натижаларга эришдилар. Иккинчи, учинчи ўринларни эгаллаган боғбонлар мукофотландилар. Уларнинг меҳнатлари холис баҳоланди.

Р. ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 15 декабрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади**

1 Австралия доллари	67,57	1 Польша злотийси	31,60
1 Австрия шиллинги	9,46	1 СДР	153,78
1 Англия фунт стерлинги	184,37	1000 Туркия лираси	0,36
10 Бельгия франки	32,24	1 Финляндия маркаси	21,91
1 Голландия гульдени	59,01	1 Франция франки	19,83
10 Греция драхмаси	3,98	1 Швейцария франки	82,52
1 Дания кронаси	17,48	1 ЭКЮ	130,49
1 БАА дирхами	29,79	10 Жанубий Корея вони	0,91
1 АҚШ доллари	109,42	10 Япония иенаси	9,39
1 Миср фунти	32,14	1 Россия рубли	5,44
10 Испания песети	7,82	1 Украина гривнаси	31,93
100 Италия лираси	6,71	1000 Белорусь рубли	1,16
1 Канада доллари	70,98	1 Латвия лати	189,64
1 Хитой юани	13,22	1 Литва лити	27,36
1 Малайзия ринггити	28,80	1 Молдова лейи	12,93
1 Германия маркаси	66,52	1 Қирғизистон соми	3,74

**)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Отчопар»даги тушумлар... уни ким назорат қилади?»

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1998 йил 12 ноябрь сонида эълон қилинган «Отчопар»даги тушумлар... уни ким назорат қилади?» сарлавҳали мақола юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз.

Мақола 13 ноябрда «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси бошқарувида «Отчопар буюм бозори» раҳбарияти билан биргаликда ўрганилиб чиқилди. Жамият бошқарувига мақолани меҳнат жамоасида ўрганиб чиқиш, ишида камчиликлар аниқланган ходимларга нисбатан қаттиқ чоралар кўриш, бозорнинг барча пул тушуми турлари устидан назоратни кучайтириш ҳақида тегишли топшириқлар берилди.

«Отчопар буюм бозори»дан олинган маълумотга кўра, 1998 йилнинг 12 ноябрига қадар акциядорлик жамияти фаолияти назорат қилиш ташкилотлари (шаҳар, туман давлат солиқ инспекциялари, прокуратуралари, ички ишлар бошқармаларининг рэкет ва коррупцияга қарши кураш бошқармалари, 4-сон шаҳар ички ишлар бўлими) томонидан бозор тушумларининг барча турлари бўйича 29 маротаба (кириш турникетлари бўйича 17 маротаба) текширув ўтказилган.

Юқорида айтиб ўтилган текширувлар натижалари акциядорлик жамияти умумий мажлисида кўриб чиқилиб, кириш эшикларининг 17 ходими, 2 та кассир ишдан бўшатилган, 5 назоратчига ҳайфсан эълон қилинган.

Мақолада қайд этилган ишламайдиган турникетларни алмаштириш мақсадида шу йил 17 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Академприбор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан 21 дона турникет тайёрлаб ўрнатишга шартнома тузилди. Ушбу турникетлар 1999 йил 1 январидан 31 мартга қадар кириш эшикларига ўрнатилади.

Ҳозирги кунда турникетлар иши қаттиқ назоратга олинган бўлиб, турникетлардан жетонларни йиғиб олиш гуруҳи таркибига 4-сон ички ишлар бўлимидан милиция ходими бириктирилган.

«Отчопар буюм бозори» акциядорлик жамияти бўйича кундалик тушум пуллари ва кириш эшикларидан олинадиган маблағларни тўлиқ йиғиб топширишни доимий назорат қилиш «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмасига топширилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти бошлиғи С. МУСЛИМОВ.

Далил ва таҳлил

Шакари ширин... меҳнати аччиқмикан?

Жорий йилнинг кузидан бошлаб аҳоли ўзимизда ишлаб чиқарилган шакарни харид қилиш бахтига мушарраф бўлишди. Истиқлол туфайли эҳтиёж учун зарур озиқ-овқат маҳсулотини кўп миқдорда ўзимизда ишлаб чиқариш имкони яралди. Қувонмай бўладими?

Мана, бир неча йилки, Хоразмдаги улкан шакар заводи ҳақида кўп гапирилди. Дарвоқе, туркиялик ҳамкорлар билан қисқа муддатда бу корхона бунёд қилингани факт. Ана энди мазза қилиб, ширчой ичиб ётавериш мумкин!

Лекин, бир «лекини» борда! Шакар заводи маҳсулотни ҳаводан олмайди. Бунинг учун кўп, яъни етарли миқдорда қанд лавлаги етиштириш зарур. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1-сонли қарорида завод учун зарур хомашё — 350 минг тонна қанд лавлаги етиштириш кўрсатилганди. Ана шунда завод 28,4 минг тонна шакар ишлаб чиқариши мумкин бўларди. (Бу миқдор завод тўла қувватининг атиги ярми эканини ҳамма ҳам билавермайди).

Энг сўнгги маълумотларга қараганда, заводга 101.123 тонна қанд лавлаги топширилди, холос. Нега шундай бўлди?

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, «Ўзозиқовқатсаноат» уюшмаси, Молия вазирлиги, «Ўздавстандарт» идораси мутахассислари Хоразм ва Қорақалпоғистонда бўлишиб, тармоқда рўй берган ачинарли ҳолатни синчиклаб ўрганиб, ўз хулосаларини чиқаришган. Белгиланган режа барбод бўлишига қатор баҳоналар сабаб қилиб кўрсатилган. Жумладан, лавлаги ишлаб чиқариш илк бора тажриба сифатида қўлланилгани, ер танлашда йўл қўйилган камчиликлар, техника ва ишчи кучининг етишмагани, қанд заводида ҳосилни қабул қилиш жараёни бут эмаслиги ва ҳоказолар...

Тан олиш керак, агарда жами 12. 194 гектар майдонга қанд лавлаги экилган бўлса, баҳорги дўл, жала оқибатида 3147 гектар майдондаги ўсимлик нобуд бўлган. Ана шу нобудгарчиликнинг катта қисми, яъни икки минг гектардан зиёди Хоразм вилоятига тўғри келади. Деҳқонларнинг катта майдонларда қанд лавлаги етиштириши тажриба сифатида қўлланилгани ҳам бор гап. Айрим хўжалик раҳбарлари баҳорда лоф уришиб, ҳатто 500-600 центнердан ҳосил кўтарамиз, деб кўкрак кериб юришгани ҳақ. Кузда ғалвир сувдан кўтарилганда эса... дарров «тажрибасизлик» баҳона қилинди-қўйилди...

— Қанд лавлагининг вегитация даври аслида 150 кунни ташкил қилади. Заводнинг кечикиб ишга туширилиши оқибатида ҳосилни йиғиштириш муддати бир-икки ойга чўзиб юборилди. Пишиб етилган қанд лавлаги вақт ўтиши сабабли ғовак бўлиб қолиб, ҳам вазнини, ҳам қандлик миқдорини йўқотди. Ишонасизми, тўрт марта (!) ҳосилни йиғиш графиги тузилди, — дейди Хоразм вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи муовини Қозоқ Халимбетов.

Айни йиғим пайтида бир туман ҳокими нолиб қолганди: «Кузда шундоқ ҳам деҳқоннинг қўли-қўлига тегмайди. Бир ёқда пахта, бир ёқда шоли. Қанд лавлаги ортиқча ташвиш бўлди. Ҳашарга чиққан талаба-баларни жалб қилдик. Қўлда тозалашяпти. Бунинг устига ташиш муаммоси... Бу лавлаги дегани уловидан тушови қиммат нарсага ўхшайди...»

Ҳақиқатан ковлаш техникаси етишмаслиги сабабли айрим хўжаликларда лавлагини қўлда ковлаш ва тозалаш кўп вақт олди. Вилоятнинг у чеккасидан бу чеккасига ҳосилни ташиб келтириш харажатларни ошириб юборди. Юз чақиримча йўл босиб келган техника воситалари навбатда вақт йўқотишди. Ёки темир йўл бекатларида юклаш ускуналари йўқлигидан ҳам «қутиб қолишлар» одатдаги воқеага айланди. Натижада йўқотилган вақт деҳқонга — етиштирувчига қимматга тушди. Таҳминий ҳисоб-китобларга қараганда, лавлаги етиштирган хўжаликлар якунга кўра тахминан 450 миллион сўм зарар кўришлари мумкин! Яъни, деҳқончасига айтадиган бўлсак — тажриба йилида деҳқон ҳосилини «сувга оқизди».

Ҳосилни тезкор йиғиштириш, ташишни тартибли йўлга қўйиш мақсадида вилоятнинг Урганч, Шовот, Ҳонқа ва Боғот туманларида вақтинчалик лавлаги қабул пунктлари ишга туширилди. Пунктларда хўжаликлардан келтирилган ҳосил 10-12 кун сақланиб, сўнгра заводга жўнатилди. Хўш, натижа нима бўлди? 1-7 октябрь кунлари заводга жўнатилган 31 вагон маҳсулотдан 129 тоннаси нобуд бўлди. Ана сизга иш услуби!

«Тажриба»ни рўкач қилаётган айрим масъул раҳбарларга сабоқ бўладиган яхши мисол бор: Ҳонқа туманидаги «Олтин соҳил» жамоа хўжалигида етиштирилган ҳосил қисқа муддатда — 20 иш кунида йиғиштириб олинди ва ҳосилдорлик ҳар гектарга ўртача 240 центнерни ташкил қилди. Хазорасп, Гурлан, Янгиариқ, Янгибозор туманларидаги айрим хўжаликларда ҳам ҳосилдорлик 200 центнер атрофида бўлди. Шундай бир пайтда Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа, Нукус, Хўжайли туманларида ҳосил атиги 37-47 центнерни ташкил қилди. Асосли савол туғилади: ер айбдорми, деҳқонми ёки уқувсиз раҳбарларми?

Умуман олганда, қанд лавлагининг кўп қисми экилган Хоразмда ўртача ҳосилдорлик 167 центнерни, Сурхондарёда эса 125 центнерни ташкил қилгани ҳолда Қорақалпоғистонда бу борада «рекорд кўрсаткич»га эришилди — ҳар гектар ҳисобидан 48 центнер атрофида «хирмон уйилди», холос! Хўжалик раҳбарлари, туман ҳокимлари «Қанд лавлаги асосий иш мавсумига тўғри келгани, техника ва ишчи кучи етишмаслигини» яхши баҳона қилиб, бўйинларига тумор сифатида илиб олишган. Аслида бу борада анча олдин — ерга уруғ экилган пайтдаёқ ўйлаб кўриш керак эди. Кузда — тиғиз палларда икки оёқни бир этикка тиқиб, аюҳаннос солгандан кўра!

«Ҳосилдорлик кўзлагандек бўлмади!» деб бош эгади яна бир гуруҳ хўжалик раҳбарлари. Аслида олдиндан лавлаги учун ҳосилдор, бўлиқ ерларни ажратиш зарур эди. Қумлоқ, ташландиқ майдонларга қанд лавлаги экишга фатво берилган пайтда фақат режадаги гектарларни экишгина кўзланган, куз, хирмон, режа ёдга тушмаган. Мана энди «фалон миллион сўм зарар кўрдик, бу ўсимлик ўзини оқламас экан» деб ақл сотиб ўтириш кулгули эмасми!

Қанд лавлагининг «М-1» нави анча ҳосилдор саналади. Молдавиялик мутахассислар ўз навларининг қуйи Амударё минтақасида юқори ҳосил бериши мумкинлигини илмий хулосалар билан исботлашган. Айтайлик, ер, иқлим шароити тўғри келмади. Ҳеч бўлмаганда 300-350 центнер эмас, 200-250 центнерлик тош босиши ҳақда қайғуриш керакмасмиди? Буни айрим хўжаликлар исботлашдику!

Деҳқонда не айб? Олти ой тер тўкиб, ҳосилини озми-кўпми топширса-ю, ҳамёни қуруқ қолаверса. Яна «қарздор» эканини эслатишса. Илк йилиёқ «Шакари ширин-у, аммо меҳнати аччиқ экан» деган деҳқонча матал тўқилмайди дейсизми?

... Баҳорда икки гектар майдонга ижара усулда қанд лавлаги уруғи эккан бир танишимиз баҳор-у — ёз мақтаниб юрди: «Бир гектар майдонда пахта етиштирсанг кўпи билан етмиш минг сўм даромад қиласан. Агарда ҳар гектар майдондан ўртача ўттиз тонна лавлаги топширсам, камида юз минг сўм даромад қиламан. Пахтадек, икки-уч ойлаб уст-бошимни йиртиб пахта териб юрмайман. Ковлайман, топшираман — тамом!»

Соддагина деҳқон ўшанда ҳар килограмм ҳосил учун 3 сўм 75 тийиндан даромад олишни кўзда тутганди. Хўжаликларга олдиндан бўлғуси ҳосил учун тарқатилган бўнак, тузилган шартномада шу нарх белгиланганди. Энди эса мутахассисларнинг хомчўтлари кўрсатяптики, бир тонна қанд лавлаги етиштирган деҳқон ўртача 4500 сўмча зарар кўрмоқда. Ана, холос! Бунга бирор изоҳ топиш қийин. Кейинчалик белгиланган — тоннасига 6200 сўм қиймат ҳам энди ҳеч нимани белгиламайди. Ғишт қолипдан кўчган — лавлаги етиштирилган, ковланган, топширилган, шакарга айланган.

Ушбу мақолани ёзиш жараёнида муқаддам ҳам бизда қанд лавлаги етиштирилганми, ҳосилдорлиги қандай бўлган деган саволга жавоб изладик. Биз танишган манбаларда юртимизда лавлаги 1913 йилдан бошлаб озми-кўпми экиб келингани, муҳим хомашёнинг ҳосилдорлиги ўртача 160-196 центнер атрофида бўлганини билдик. Демак, аслида нореал режа қўйилган эмасмикан, деган ҳақли эътироз уйғонади!

Аммо, ўз шакар заводига эга заминда хомашё етиштиришнинг илк йилида кўпдан-кўп хато камчиликларга йўл қўйилганидан кўз юмиб бўлмайди. Ахир ишлаб чиқарилмай қоладиган маҳсулот ҳисобидан Хоразм шакар заводи мавсумда 1 миллиард 761 миллион сўм даромад ололмаслиги ҳам аччиқ факт. Бунақада завод қачон ўз-ўзини қоплайди, қачон соф фойда беради, деган савол ортиқча! Жуда ортиқча!

Завод янги мавсумгача кам-кўстини тузатиб олар, лабораториялар ишга тушар, зарур ускуналар ўрнатилар, лекин етиштирувчи мутахассислар, мутахассислар, хўжалик раҳбарлари-чи? Қачонгача «тажриба» баҳона бўлади!

Норбобо ШАКАРОВ, Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбирлари

Ўзбекона демократлаштириш йўлида

Ҳаётда айни кўриниш ва дунёқарашдаги кишилар бўлмаганидек, бир хил йўналиш, мазмун ҳамда моҳиятан ўхшайдиган жамият бўлиши мумкин эмас. Объектнинг мазкур хусусиятини ўзиёқ тадқиқот майдонининг нақадар чексиз кўламга, поёнсиз ҳудудга, шунингдек, муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Бундан келиб чиқиб фикрлайдиган бўлсак, ҳар бир давлатнинг ўзи муҳим тадқиқот доирасини белгилайди ва амалда шундай бўлиб келди ҳам.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 1 сентябрдан эътиборан янги — ўзига хос йўналишдан бориб, давлатчиликнинг миллий-этник илдизларига, тарихий тажрибаларига асосланган ҳолда ўзбекона адолатли демократик жамиятга асос солинди. Шу ўринда берган таърифимизни шарҳлаб кетиш ўринлидек туюлади. Биз юқорида ўзига хослик ҳақида гапириб ўтдик. Демакки, ўзбекистонликни бошқа ҳудуддан излаш ақлга тўғри келмайдиган ҳолатдир. Адолат миллий маънавиятимиз тафаккур маҳсулотларининг бош ғоясини ишғол қилган ҳолда унинг демократик тус олиши замон талабининг энг устувор ҳусусиятларини ташкил этади. Чунки демократия эркинликнинг юқори даражадаги онгли муносабат жараёнидир. У кўр-кўрона эргашиш, турли сиёсий ўйинларнинг эрмагига айланиб қолиши билан келиша олмайдиган ҳолат бўлиб, ҳар бир воқелик ва ҳодисага тафаккур ойнаси орқали назар солишни, ақл тарозуси хулосаларига таянишни талаб этадиган энг идеал муҳитдир. Шундай бир «ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон»нинг талқин ҳам таҳлилини белгиловчи қатор асарлар, мақолалар, чиқишлар амалга ошаётганлиги объектнинг қайси даражада эътиборда эканлигини ҳам ифодалайди. Чунки эътибор эҳтиёждан келиб чиқади. Эҳтиёж сездиролмаслик — фожиа.

Яқинда сиёсатшунослик фанлари доктори, профессор Рустам Жумаевнинг «Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида» номли рисоласи нашрдан чиқди. Рисола Ўзбекистон Республикасининг сиёсий қурилиш, давлатчилигининг кўриниши ва мазмун-моҳияти хусусидаги мута-

Истиқлол китоблари

хассиснинг илмий-назарий таҳлилига бағишланган. Асарда олим республика сиёсий қурилишини ташкил этувчи барча «қисм» ҳамда «элементлар»ни илмий таҳлил қилиб, уларнинг ўрни ва вазифаларининг кенг қамровли талқинини амалга оширган. Шу билан бирга республиканинг давлат ва жамият сифатидаги муносабатлари ҳам изчил ўрганилган. Буни олимнинг мустақил халқаро ташкилотлар, мамлакатлар билан амалга оширилаётган тадбирлар, муносабатлар ҳамда яқин қўшни мамлакатларда кечаётган сиёсий жараёнлар хусусидаги мулоҳазалари заминидан кузатиш мумкин. Муаллиф сиёсий ташкилотлар билан боғлиқ муносабатларни шарҳлашдан олдин уларнинг ўзига хос кўринишларини бутун моҳияти билан таҳлил қилади. Унинг асосий мақсади ва амалий муносабатлари тарихи ҳамда тажрибаси самараларига изчил ёндошиб, қатор илмий хулосалар яратишга эришади.

Биз муаллифнинг «Ўзбекистон Республикасининг сиёсий тизими: ташкил топиш ва тараққиёти» рисоласида республика сиёсий тизимининг умумий кўринишини бор ҳолати — унинг мазмун-моҳияти хусусида кенг маълумотга эга бўлган эдик. Ушбу китоб аввалгисининг мантиқан давоми бўлиб, унда энг охирги ижтимоий воқеа-жараёнлар ҳам таҳлил қилинади. Мамлакатимизда кечаётган ислоҳотлар, илғор усул ва тажрибаларга ёндошувчи тадбирлар ҳам олим назаридан четда қолмаган. Хусусан, Миллий таълим дастури ва унинг ўзига хос тамойиллари хусусида мутахассис ўткир назарий таҳлиллар берган. Тадбирнинг ўзига хос муваффақиятини олдиндан илмий башорат қилиш субъектдан изчил илмий-назарий базани талаб этади. Мазкур ишнинг амалга оширилиши имконияти кўламини ҳам белгилайди, албатта.

Шунга қарамай, баъзи жузъий эътирозларимиз ҳам йўқ эмас. Рисолада назарда тутилган объектларни таҳлил этишда кўпроқ реал-конкрет далилларга суянилса, янада самарали ютуқларга эришилишига сабаб бўларди. Бу ҳол айниқса, партиялар ҳаракатидаги сиёсий фаолиятининг талқинига бағишланган ўринларда кўзга ташланади.

Муаллифнинг ушбу рисоласи мамлакатимиз сиёсатшунослик илмида янги бир методологик аҳамиятга молик ишлар сирасидан бўлди,десак асло муболаға эмас.

Шерматилла ЮСУПОВ,
«Академия» нашриётининг катта муҳаррири

Ислоҳот ва масъулият

«Тупроғи зар, маъданим маним...»

Ватанимиз табиий бойликлари жиҳатидан дунёнинг етакчи давлатлари қаторида туради. Мамлакатимизга чет эл сармояси энг кўп киритилаётган соҳа ҳам шу соҳа бўлиб турибди. Янгидан-янги нефть, газ ва бошқа турдаги конларнинг очилиши бу борадаги имкониятларимиз янада кенглигидан далолат беради.

Шу билан бирга тупроғимиз қимматбаҳо металлар ва уран заҳираларига ҳам бой. Қора металлар, рангли металлар қазиб олиш бўйича мустақиллик йилларида янги технологиялар жорий этилгани сабабли катта муваффақиятларга эришилди. Бу ишга шу соҳа бўйича ишловчи жаҳоннинг етакчи фирмалари жалб этилган. Янги асбоб-ускуналар сотиб олинмоқда. Сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, халқ истеъмоли моллари турини кўпайтириш юзасидан собитқадамлик билан иш қилинмоқда. Соҳадаги ишлар муваффақияти мамлакатимиз иқтисодий ривожланиш суръатига яхши таъсир кўрсатмоқда.

Бу борада Навоий вилояти ўзининг қимматбаҳо металлар ва уран заҳиралари борлиги билан ажралиб туради. Қизилқум геология қидирув экспедицияси шундай конларни ер қаъридан қидириб топиш, уларнинг заҳираларини аниқлаш борасида жуда катта ишларни амалга оширмоқда.

— Қизилқум геология қидирув экспедициясининг асосий мақсади, — дейди бош директор Қудрат Собиров, — давлат буюртмасига кўра кон заҳираларини аниқлашдир. Геология қидирув экспедицияси ер ва тупроқ қатламларининг физикавий хусусиятларини ўрганиб, бизнинг ибора билан айтганда, онамация ишлари жараёнини амалга оширади.

Геологлар кончиларга тоғнинг устки қатламларини, кон қудуқлари ва ариқларни қай йўналиш ва чуқурликда портлатиш зарурлигини аниқлаб берадилар. Шундан кейин кончилар тоғ жисмларини парма-лаш, кон қудуқлари ва ариқларини қазиш ишларини аниқ геологик маълумотлар асосида олиб борадилар. Тоғ бағрида оғир ва мураккаб физикавий ҳамда геологик ишлар бажарилади. Кон заҳиралари аниқланади. Айниқса, тоғнинг устки қисмидан ариқ ва траншеялар қазиш ишлари ўта мураккаб ва масъулиятли бўлиб, 40-50 минг метр куб тоғ жинслари махсус техникаларда қазилади. Кон қудуқларини пармалаш ишлари ҳам нозик ва мураккаблиги билан ажралиб туради.

— Пармалаш вақтида 100 метрдан 2500 метргача ҳар бир метрда тоғ жинсларидан намуна олиниб, — дейди бош директор Қудрат Собиров, — лабораторияда уларнинг хосса ва хусусиятлари ўрганилади. Бу натижалар кон заҳиралари қай даражада эканлигини кўрсатувчи ашёвий далил ҳисобланади.

Геология қидирув экспедицияси кўп тармоқли корхона бўлиб, унда фаолият кўрсатаётган автотрактор парки, электр тармоқлари, алоқа корхоналари, қурувчилар, лобаратория ходимларининг ҳамкорликдаги меҳнатлари туфайли катта муваффақиятларга эришилмоқда. Шу кунда экспедицияда ўттиздан ортиқ миллат вакиллари меҳнат қилади. Жамоа аҳли айниқса, Президентимизнинг тўй-ҳашамлар, маърака ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисидаги Фармонини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқда.

Корхонада тоғ муҳандиси Б. Қурбонов, пармаловчи М. Сиразиев, чилангар И. Мусаев, электрик К. Усмонов, бош муҳандис С. Юнусов, бош геолог А. Рустамовлар экспедициянинг фидойи, жонкуяр ишчиларидан ҳисобланади. Яқинда ўзининг қирқ йиллик юбилей тўйини ўтказган корхонада бугунги кунда минг нафарга яқин ишчи-муҳандислар хизмат қилмоқда.

Қизилқум геология қидирув экспедицияси Мурунтов шаҳарчасида жойлашган. Шаҳарчада 2 та умумтаълим, 1 та мусиқа мактаби, 1 та болалар боғчаси ишлаб турибди. Боғчада 280 нафар ўғил-қизлар тарбияланмоқда. Марказий шифохона зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Шаҳарчада аҳолининг маданий хордиқ чиқариши учун барча имкониятлар мавжуд. 400 кишилик маданият саройи, спорт-соғломлаштириш мажмуаси ўз бағрига барча ишқибозларни чорлаб турибди. Футбол, волейбол, баскетбол, кураш, теннис каби спорт секцияларида ёш спортчилар тарбияланиш билан бир қаторда барча қизиққанлар ўз саломатликларини тикламоқдалар.

— Соҳа корхоналари ўртасида ўтказилган спартакиадада Қизилқум геология қидирув экспедицияси корхонаси спортчилари биринчи ўринни олишга сазовор бўлдилар, — дейди Зарафшон шаҳар ҳокими Аҳмаджон Умаров. — Бундан ташқари, ижтимоий муҳофаза борасида ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. Илғор ишчиларнинг дам олиши, мамлакатимиз бўйлаб ва турли чет элларга саёҳатларга бориб келишни таъминламоқда. Мактаб, болалар боғчаси янги жиҳозлар билан жиҳозланди. Янги йўллар ётқизилди. Мавжуд йўллар таъмирланди.

Геология қидирув экспедицияси... Бу соҳа касб романтикаси, орзу-армонлари, умид-ҳаяжонлари билан тўла. Уларни қиш совуғида, ёз иссиғида ҳам гўзаллик, ҳарорат кўра оладиган, қийинчиликлардан завқ топадиган кишилар дейиш мумкин. Қизилқум геология қидирув экспедициясида касб машаққатларидан ҳаёт лаззатини туядиган қалби қайноқ кишилар меҳнат қилади.

Ўткир ПЎЛАТОВ

Термиз Маънавият академияси

Термиз Маънавият академияси истиқлол фарзанди, истиқлолга хизмат қилувчи қудратли ижтимоий омил. Унинг иш фаолияти вилоят, туман маънавият ва маърифат марказларидан тубдан фарқли ўлароқ, ўқув муассасаси.У ўзининг низоми, дастури, ўқув режалари ва бошқа расмий ҳужжатлари, масъул раҳбар ходимларига эга мустақил муассаса ҳисобланади.Республикамиз вилоятлари, туманлари «Маънавият ва маърифат» марказлари билан ўқув-услубий, илмий-назарий йўналишларда ҳамкорлик қилади.

Термиз Маънавият академиясининг бош мақсади меҳнаткашлар, хизматчилар, ёшларнинг, раҳбар ходимларнинг маънавий маданиятини юксалтиришдир. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўқув гуруҳи билан ўтказиладиган машғулотларда ҳозирги Ўзбекистон мустақиллиги ва бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида маънавий омилларга эҳтиёж тобора ошиб, долзарблашиб бораётганлигининг сабаблари академиклар, профессорлар томонидан ўқиладиган маърузаларда асослаб борилади. Истиқлол ўз ижтимоий моҳиятига,руҳиятига кўра шундай қадрият, сифат ва фазилатки, у кўплаб иқтисодий, ижтимоий, маданий режаларни амалга ошириш билан бирга, одамларнинг маънавий маданиятини юксалтиришга қаратилган ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиб боради.

Термиз Маънавият академиясида масъул ходимлар,мутахассисларга нафақат маънавий маданиятга эришиш йўллари, балки унинг ички хусусиятлари, ижтимоий моҳияти, мавқеи, ўрни, жамият ва шахс учун аҳамияти, ички «табиати», хусусиятлари, қутблари каби ботиний томонларини ҳам билишлари зарур.

Бинобарин, одамларнинг маънавий маданиятга,миллий ва диний қадриятларга муносабатлари турлилигича қолар экан, маънавий-руҳий тадбирларимизнинг самарадорлиги, натижалари юқори бўла олмайди. Шунинг учун ҳам бизнингча, энг аввало, одамларда маънавий маданиятга муносабатни тарбиялаш, янада яхшилаш зарур. Чунки айрим кишилар, ҳатто раҳбарлар ҳам ўзларининг, фарзандларининг маънавий камолотига бефарқ бўладилар, эътибор ҳам бермайдилар. Бунинг устига буюк давлатчиликка асосланган жамиятдан демократия ва бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш шароитида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини тўғри англаб олмаслиги, турмушда содир бўлаётган жузъий қийинчиликлар айрим одамларнинг ахлоқига, руҳиятига таъсир қилмоқда, асоссиз хулосалар чиқаришга олиб келмоқда. Бунинг бир қатор сабаблари бор, албатта.

Биринчидан, маънавият муҳим иқтисодий, ижтимоий, хўжалик, мудофаа каби мазмундаги имкониятларга эга бўлишига қарамасдан ҳар доим ҳам яққол кўзга

Маърифат чироқлари

ташланавермайди, ҳаммани ҳам ўзига жалб қилавермайди.

Иккинчидан, маънавият ўз натижаларини жамиятга, одамларга дарҳол кўрсатавермайди. Масалан, ҳозирги вақтда республикамиздаги барча «Маънавият ва маърифат» марказлари аҳоли орасида жуда кенг кўламда хилма-хил тадбирлар ўтказмоқдалар. Бироқ уларнинг натижалари 5-10 йил, ҳатто ундан ҳам кўпроқ вақтдан кейин амалда намоён бўлади.

Учинчидан, республикамизнинг ҳамма жойларида ҳам « Маънавият ва маърифат » муассасаларини унинг билимдон, фидойи мутасаддилари бошқараяпти, деб бўлмайди. Бундай ҳолларда ишимизнинг натижаси ҳам мавҳум бўлади.

Тўртинчидан, ҳозирги вақтда анчагина кишиларнинг маънавий жиҳатдан тўлақонли эмаслигига нафақат ижтимоий ҳолатлар, балки айрим табиий омиллар ҳам сабабчидир. Нашаванднинг, муккасидан тушиб ичувчининг зурриёти жисмонан соғлом, маънавий истиқболли бўла олмайди. Одамларнинг маънавий камолотида ижтимоий омиллар ҳам, табиий омиллар ҳам муҳим ўрин тутади. Улар инсон ҳаётида қай даражада тўғри, сифатли мутааносиб ташкил этилса, натижаси, оқибати ҳам худди шундай бўлади.

Термиз Маънавият академиясида тингловчиларга ана шундай кенг қамровли, мушоҳадаталаб, муаммоли ва мунозарали мавзуларда маърузалар ўқилади. Ҳар бир гуруҳ тингловчилари бир хил касб ёки вазифадаги кишилар бўладилар. Масалан, қишлоқ жамоа хўжалиги раислари, тадбиркорлар, банк ходимлари, маҳалла қўмиталари раислари. Ўқиладиган маърузаларда уларнинг касби, вазифаси, эгаллаб турган лавозими эътиборга олинади. Чунки киши маълум соҳанинг мутахассиси бўлиши, лавозимни эгаллаши ҳали унинг маънавий даражасини англатмайди. Маънавий - маърифий ишларни бу хилда ташкил этиш ҳар томонлама мақсадга мувофиқдир. Мазкур муассасада маънавий-маърифий ўқув жараёни узлуксиз олиб борилади. Академиянинг профессорлари вилоят «Маънавият ва маърифат» марказининг дастури асосида туманларда, ташкилот, хўжалик, муассасаларда бўлиб илмий-амалий конференциялар, миллий қадрият кечалари ўтказадилар.

Ўқув муассасамизни Термиз Маънавият академияси деб аталишида ҳам тарихий, рамзий асослар бор. Ҳозир ўзининг 2500 йиллигига тайёргарлик кўраётган Термиз шаҳри IX-XII асрларда йирик илмий-маънавий марказ бўлган. Бу ерда дунёвий ва исломий билимлар ҳамкорликда ривожланган. Шаҳарда хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоийлар ўзларининг мажозий пирлари деб эътироф этилган имом Абу Исо ат-Термизий, шайх Абу Бакр Варрак Термизий, Шаҳобиддин Собир Термизий, Юсуф Ҳайёт Термизий, Абу Музаффар Термизий, Қатрон ибн Мансур Термизий, Абулҳасан Мунжуқ Термизий, Муҳаммад ибн Ҳомид Термизий каби неча ўнлаб аҳли илмлар муқим яшаб ижод қилганлар. Урганч, Бағдод шаҳарларидагидек, бу ерда ҳам илмлар уйи (Байтул ҳикма) мавжуд бўлган.- Термиз маданияти Туркистоннинг бошқа ривожланган марказларидан қолишмаган. Демоқчимизки, бундан минг йиллар муқаддам Термиз маънавиятига асос қўйилган. Ана шу маънавий салоҳият, руҳият хорижий фотиҳлар истилолари, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, А.Навоий, ҳатто ўзбек хонликлари даврларида ҳам замон синовларига бардош бериб, сақланиб қолган.

Мансур ОЛТИН ўғли,
тарих фанлари доктори, профессор

Хавотирланманг, кузатувчилар

«Ўзбекистон овози» газетасининг 10 октябрь сонида эълон қилинган «Поезд йўли нега қисқарди?» сарлавҳали мақоланинг «Проводник бойваччами?» тагсарлавҳали қисмида вагон кузатувчиларининг айрим мансабдор шахслар томонидан «таланаётгани» қайд этилган эди. Бу фикрлар, албатта, нақлиёт ички ишлар бошқармаси раҳбариятини бефарқ қолдирмади.

Ҳақиқатан ҳам вагон кузатувчиларининг дард-ҳасратлари бежиз эмас экан. Яқинда Кўнғирот бекати тармоқ ички ишлар бўлимига 223-сонли «Душанбе — Москва» йўловчи поезди келиб тўхтаганидан сўнг шу поезднинг 9-вагони кузатувчиси ариза билан мурожаат қилиб келди. Унинг ёзишича, Хўжайли — Кўнғирот бекатлари оралиғида Муса С. деган фуқаро унинг ёнига келиб, Оролбўйи нақлиёт бўлимида паттачи бўлиб ишловчи Нурлан Б. ва шу бўлимда вагонларни текширувчи нозир бўлиб ишловчи Туркменбой Д.лар 30 минг сўм пул олиб келиб беришни тайинлаганини айтган ҳамда шунча миқдордаги пулни олиб кетган.

Акс-садо

Тезкор чора-тадбирлардан сўнг юқорида номлари зикр этилган фуқаролар ушланди. Мусанинг ёнидан кузатувчидан олган 30 минг сўм ва унга қўшимча 1775 сўм пул далилий ашё сифатида олинган.

Урганч бекати тармоқ ички ишлар ходимлари ҳам 258-сонли «Тошкент — Волгоград» поезди кузатувчисини шилмоқчи бўлган божхона ходимини айни жиноят устида қўлга олдилар. Урганч — Питнак бекатлари оралиғидан ўтаётган ушбу поезднинг 5-вагонини текширмасдан ўтказиш эвазига кузатувчидан 6 минг доллар талаб қилган 8-божхона пости ходими, Урганч шаҳрида яшовчи фуқаро Б. А. ўз мансабини суиистеъмол қилгани учун энди қора курсига ўтирадиган бўлди. Божхоначининг фойда эвазига кўзини юмиб туриши зиёнига ишлади.

Вагон кузатувчилари ортидан «нон» ейишга ўрганган бундай анчамунча мансабдор шахсларни қўлга олиш чоғида кузатувчиларга мансабсиз, ишсиз, бетайин кимсаларнинг ҳам дўқ-пўписа қилишлари маълум бўлди. Келес — Тошкент бекатлари оралиғида олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида Наманган шаҳри Дўстлик шоҳкўчасида яшовчи Т. Бергман, Фарғона вилояти Данғара шаҳрида яшовчи О. Рўзматов, Кўқон шаҳри Пугачёв кўчасида яшовчи Ш. Азимов исмли шахслар «Тошкент — Москва» поездида Рязан — Сосова бекатлари оралиғида кузатувчи ва йўловчиларга совуқ қурол ўқталиб, йўловчиларнинг биридан 5000 Россия рубли, бошқасидан 2500 Россия рубли, яна биридан эса 100 АҚШ долларини тортиб олганлиги, вагон кузатувчисини эса қўрқитишгани аниқланди. Россия ўлкасида босқинчилик қилиб келган бу зўравонлар ҳозир Тошкентда ўз жазосини кутишмоқда. Терговни Нақлиёт ИИБ коррупция, рекет ва терроризмга қарши кураш бошқармаси ходимлари олиб боришаётир.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
милиция катта лейтенанти

Солиқ тизими

Парда кўтарилиб сирлари ошкора бўлди

Бу галги рейдга Тошкент шаҳар давлат солиқ бош бошқармаси ҳамда туманлар давлат солиқ инспекцияларининг савдо ва хизмат кўрсатувчи корхоналар фаолиятини назорат қилувчи бўлимлари ходимлари ҳам жалб этилди. Улар давлат солиқ қўмитаси савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини назорат қилиш бошқармаси мутахассислари бошчилигида гуруҳларга бўлиниб республика Президенти ва ҳукуматининг Фармон ва қарорлари жойларда қандай бажарилаётганлигини кўздан кечиришди.

... Гуруҳ аъзолари Ҳамза туманидаги «Янгиобод» марказий улгуржи бозорига кириб келганларида кун ёйилиб қолган эди. Дўконларда савдо қизғин. Гўё арининг уяси, дейсиз. Харидор арзонроққа олсам деса, сотувчи қимматроққа сотсам дейди.

Солиқчиларнинг биринчи гуруҳи «Мир-У» масъулияти чекланган жамиятга қарашли дўконга кириб келганида сотувчи Д. Неъматжоновнинг қўли-қўлига тегмасди. У бир харидорга хизмат кўрсатиб ортиқча 2100 сўм уриб қолган пайтида солиқчилар унинг қўлидан тутишди. Сотувчи шайтонлик қилиб, ўзини у ёқ бу ёққа ташлай бошлаганида назорат касса машинасига кирим қилинмаган яна 34 минг сўм чиқиб қолди. Шундан сўнг унинг ранги докадек оқариб, тили калимага келмай қолди.

Солиқчилар ҳеч қандай шовқин-суронсиз текширувни чуқурлаштиравердилар. Шунда дўкон омборида сифат сертификатисиз 1100 шиша спиртли ичимликлар ҳам мавжудлиги маълум бўлди.

Худди шу пайтда солиқчиларнинг иккинчи гуруҳи «Отабек-Дилбар» масъулияти чекланган жамиятга қарашли дўкон сотувчиси Б. Зайнутдиновнинг ишлари билан танишаётган эди. Бу йигит савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаси бўлмаса-да, қўлига илинган нарсани оғизга сиққан нархда пуллаб кун кўришга ўрганиб қолган экан. Сертификат нима, акциз маркаси нима — бу ҳақда у бирор тушунчага ҳам эга эмас эди. Савдодан тушаётган пулни назорат касса машинасидан ўтказишни эса хаёлига ҳам келтирмасди. Шу тарика ҳисобга кирмаган 33 минг 985 сўм картон қутида йиғилиб қолган эди. Бунинг устига сифат сертификати бўлмаган 3663 шиша спиртли ичимлик пештахталарни тўлдириб турарди. Улар қаерда ва ким томонидан тайёрланганлиги билан сотувчининг мутлақо иши бўлмабди.

Бозор бўйлаб ўтказилган рейд давомида қарийб барча дўконда савдо қоидалари ва солиқ қонунчилиги қўпол равишда бузилаётганлиги маълум бўлди. Солиқчилар «Компрадор» масъулияти чекланган жамиятга қарашли 135-дўкон-контейнерни кўздан кечирганларида бунга яна бир бора ишонч ҳосил қилишди. Бу ерда сотувчи Ихтиёр Аллоҳбердиев солиқчилар кўзи олдида оз эмас, кўп эмас — 3000 сўмни уриб қолди. Савдодан тушган 31 минг сўмни назорат касса машинасидан ўтказмабди. Киримчиқим ҳисобида бориладиган дафтар тутилмаган.

Р. Содиқов хизмат қилаётган 8-дўкон-контейнерда эса умуман назорат касса машинаси йўқ эди. У ҳеч қандай ҳужжатсиз салкам 1,7 миллион сўмлик спиртли ичимликларни пуллаётган эди. «Неста» хусусий фирмасига қарашли дўконга ўрнатилган назорат касса машинаси эса шу кунгача Ҳамза тумани давлат солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтказилмаган. Савдодан тушган 115 минг сўмдан ортиқ пул ҳеч қаерда қайд қилинмаган. Бошқа дўконларда бўлгани каби бу ерда ҳам ҳужжатсиз ва рухсатсиз спиртли ичимликлар бемалол сотилмоқда. Шу боисдан ноқонуний йўллар билан олиб келинган 275,5 минг сўмлик спиртли ичимлик сотувдан олиб қўйилди.

Рейдлар давомида солиқчилар бозордаги ҳар бир савдо шаҳобчаси фаолиятини диққат билан таҳлил этиб чиқдилар. Шунда 9 ҳолатда назорат-касса машинасини ўрнатмай савдо қилинаётганлиги, 9 ҳолатда эса мавжуд назорат касса машиналари ишлатилмаётганлиги аниқланди. Шу боисдан ҳам назорат-касса машиналаридан ўтказилмаган 1 миллион 613,1 минг сўм накд пул вақтинча олиб қўйилди.

Юридик шахслар билан бозор маъмурияти ўртасида ижара ҳақлари, коммунал хизмат ва электр таъминоти бўйича тузилган шартномага хилоф равишда тўловлар накд пул билан йиғиб олинаётганлиги солиқчиларни ажаблантирди. Ўтган қисқа даврда бозор маъмурияти юридик шахслардан турли хил тўловлар кўринишида 2 миллион 97,3 минг сўм накд пул йиғиб олибди. Бозор маъмурияти инкассация ишларини ташкил этмаганлиги учун бу ерда фаолият кўрсатаётган юридик шахслар кундалик тушумни ўз вақтида инкассация қилолмаяптилар. Пировардида турли хил молиявий бузилишлар келиб чиқмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 21 майдаги «Алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат монополиясини кучайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алкоголли ва тамаки маҳсулотларини сотишдан бюджетга тушумни кўпайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 4 сентябрдаги «Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш тўғрисида»ги қарорларига зид хатти-ҳаракатлар бозорда ҳар қадамда кўзга яққол ташланиб турибди. Савдо шаҳобчаларидан 5 миллион 181 минг сўмлик ҳужжатсиз, 14,1 минг сўмлик акциз маркасиз спиртли ичимликлар, 839,7 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари, 543 минг сўмлик салқин ичимликлар савдодан вақтинча олиб қўйилганлиги шундандир. Ҳозир суриштирув ишлари олиб борилмоқда. Қонунбузарлар тегишли жазоларини олмоқдалар.

Давлат солиқ қўмитасининг савдо ва хизмат соҳасини назорат қилиш бошқармаси ўз қуйи тизимлари билан ҳамкорликда ўтган ойларда жойларда турли хил йўналишлар бўйича 43 мингдан ортиқ рейд ва текширувлар ўтказди. Шу тадбирлар давомида 37 мингдан ортиқ қонунбузарликлар фош этилди. Бузилишларга йўл қўйган 31,6 минг нафар мансабдор ва жисмоний шахсларга нисбатан 101 миллион сўм миқдорда маъмурий жарима солинди. 2609 та қонунбузарлик ҳолати бўйича жиноий иш қўзғатилди.

Агар ҳар бир киши қадамини ўйлаб босса, қонун доирасида фаолият кўрсатса уни ҳеч ким тазйиқ остига олмайди. Мустақиллик туфайли эркин фаолият учун кенг имкониятлар, ҳуқуқий асослар яратилган ҳозирги пайтда ҳуқуқларни суиистеъмол қилиш инсофдан эмас. Ҳар биримиз қонунни устувор деб билайлик ва унга амал қилайлик. Шундагина жамиятимиз янада покланади, ҳаётимиз тартибли ва гўзал бўлади.

Жасур НОСИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати раҳбари

НАТОнинг қишки сессияси

Шимолий Атлантика кенгашининг мудофаа вазирлари даражасидаги қишки сессияси НАТОнинг Брюсселдаги штаб-хонасида 17-18 декабрь кунлари ўтказилиши мўлжалланган. Бу ҳақда Шимолий Атлантика Иттифоқи матбуот хизмати хабар қилди. 17 декабрь куни НАТОнинг мудофаа вазирлари ўз иттифоқчилари бўлмиш 16 мамлакат вакиллари билан кенгаш ўтказадилар. Асосий масала НАТОнинг 1999 йилнинг апрель ойида ўтказилаётган Вашингтондаги саммитига тайёргарлик кўришдан иборатдир. Вазирлар Шимолий Иттифоқнинг янги ҳарбий раҳбарларини ва унинг янги стратегик йўналишларини белгилаб оладилар. Янги аъзолар бўлмиш Венгрия, Польша ва Чехиянинг мудофаа вазирлари ҳам ушбу сессияда иштирок этади.

Яна бир келишмовчилик

Ироқ Бош вазирининг ўринбосари Тариқ Азиз Иордания пойтахти Оммонда Иордания парламентининг оқсоқоллар кенгаши ва вакиллар палатаси раислари билан учрашди. Музокаралар давомида БМТ томонидан Ироққа нисбатан саккиз йилдан бери қўлланилаётган иқтисодий жазо чораларини бекор қилиш масалалари муҳокама қилинди. Тариқ Азиз Иорданиянинг тахт вориси шаҳзода Ҳасан билан ҳам учрашди.

Айни кунларда эса, Ироқ раҳбарлари БМТ инспекторлари мамлакатнинг ҳукмрон Баас партияси биносига киришга уринсалар, улар барибир қўйилмайди, дейишмоқда. Партия вакилининг айтишига кўра, Ироқ раҳбарияти ва БМТ инспекторлари ўртасидаги келишувда ушбу бинолари текшириш кўзда тутилмаган эди. Би-Би-Сининг Бағдоддаги мухбирининг хабарига кўра, ушбу баёнот БМТнинг ғазабини қўзғатиши мумкин. АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт эса Ироқни огоҳлантириб айтдики, куч ишлатиш биз учун чора кўриш йўлларидан бири, шу боис ҳам Саддам Ҳусайн инспекциячилар билан ҳамкорлик қилиши шарт. Лондон ва Париж ҳам ушбу фикрга қўшилишмоқда.

Солиқ тизимида ўзгариш

Келгуси йилнинг 1 январидан бошлаб Венгриянинг солиқ-молия инспекцияси солиқ полициясига айлантирилади. Тегишли қонун лойиҳаси мамлакат парламентига киритилди. Солиқ полицияси хизмати таркибига 240 киши киритилади. Улар шахсий қурол олиб юриш ҳуқуқига эга бўладилар. Солиқ полициячилари биринчи навбатда ҳисобчилик интизомини бузиш, ноқонуний фойда олиш, шунингдек, молиявий ҳужжатларни қалбакилаштириш ишлари билан шуғулланади. Янги хизмат вакиллари уйларда тинтув ўтказишлари, ҳужжатларни тортиб олишлари, сўроққа тутишлари ва шубҳали шахсларни ҳибсга олишлари ҳам мумкин.

Рио-де-Жанейродаги учрашув

Жанубий Американинг «Умумий бозори» иштирокчиси бўлмиш мамлакатларнинг президентлари Рио-де-Жанейро шаҳрига тўпланишди. Унда Аргентина, Бразилия, Парагвай, Уругвай, шунингдек, Боливия ва Чили раҳбарлари иштирок этишди. Улар Чили диктатори Пиночетни Испания судига топширилишини талаб қилишди. Қўшма баёнотда айтишдики, Пиночетнинг ҳибсга олиниши мамлакатларнинг адолатли тенглигини бузади ва ўзга давлатнинг ички ишларига аралашишдан бошқа нарса эмас. Жанубий Америка раҳбарларининг учрашувида хавфсизлик чораларига жиддий эътибор берилди. Қатнашчиларни қўриқлаш учун 2500 аскар ва полициячи шай ҳолда турди.

Бесамар уринишлар

Яман ҳукуматининг Мариб вилоятида гаровга олинган тўрт нафар немис фуқаросини озод қилиш борасидаги барча уринишлар самарасиз якунланмоқда. Айни пайтда мамлакат полицияси томонидан хорижликларни гаровда ушлаб турган жиноий гуруҳ жойлашган ҳудуд текширувдан ўтказилаётир.

Яманда хорижликларни гаровга олиш ҳоллари анча авж олган. Жиноятчилар шу йўл билан ҳукумат олдига қўйилган талабларининг ижро этилишига эришмоқда.

Учрашув олдидан

Франция Президенти Жак Ширак келаси йил 19 февралда Америка Қўшма Штатларига сафар қилади ва Президент Билл Клинтон билан учрашади. Бу ҳақда Вашингтон маъмурияти вакили хабар тарқатди.

Олий даражадаги учрашувда НАТОга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг апрель ойига мўлжалланган юбилей саммитига тайёргарлик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади. Ўша куни Шимолий Атлантика ҳарбий альянсига Польша, Венгрия ва Чехиянинг қабул қилинишини расман эълон қилиш ҳам режалаштирилган.

Латвиянинг илтимоси

Латвия Сейми (парламент) Европа Иттифоқининг Венада бошланган саммити иштирокчиларидан 1999 йилда Латвияни ташкилотга қабул қилишни сўраб, бу борада музокараларни бошлашга чақирди. Латвиянинг иқтисодий ва сиёсий тараққиёти шундай имкониятни келтириб чиқармоқда, дейилади ушбу чақириқда.

Муҳим масалаларга қаратилди

Австрия пойтахтида Европа Кенгашининг сессияси бошланди. Унда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этмоқда.

Анжуманда ишсизлик муаммоси, ЕИ мамлакатларининг ягона пул бирлиги - еврога ўтиши, ташкилотнинг шарққа томон кенгайиши ҳамда ЕИ давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

Тадбирга уч мингдан ортиқ маҳаллий ва хорижий журналистлар келган. Сессия иштирокчилари хавфсизлигини таъминлашга 4 минг нафар полициячи сафарбар қилинган.

Эҳтиёткорликка даъват

АҚШда совуқдан ҳар йили 700 киши нобуд бўлади. АҚШнинг касалликлар олдини олиш ва назорат қилиш федерал маркази ана шундай маълумотни эълон қилди.

1979-95 йиллар мобайнида мамлакат ҳудудида ҳавонинг кескин совиши туфайли ҳалок бўлганлар сони 12,368 кишига етган. Айни пайтда федерал марказ аҳолини қишки совуқлар хавфи ҳақида огоҳлантириб, зарур чоралар кўришга чақирган. Шунингдек, мутахассислар аҳолига совуқдан сақланиш учун спиртли ичимликлар ичмаслик зарурлигини айтиб, бу бошқа турдаги касалликлар келтириб чиқаришини маълум қилган.

Хитой раҳбари баёноти

Хитой ҳукумати доимо Яқин Шарқда тинчлик қарор топиши тарафдори бўлиб келган ва у халқаро ҳамжамиятнинг бу борадаги барча тадбирларини қўллаб-қувватлайди. Хитой раҳбари Цзян Цзэмин Сурия вице-президенти Муҳаммад Зуҳайр Машориқ билан бўлган учрашувда шундай баёнот берди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ҳамда Яқин Шарқ можаросини тинч йўл билан ҳал этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Испаниядаги машҳур Санчо Пансо ҳайкали

Кўриб турибман

Бир куни қандайдир репортёр Лев Толстой ҳузурига келиб, интервью беришини сўради. Ёзувчи унинг бетайин саволларидан энсаси қотди.

— Бундай бемазагарчиликнинг кимга кераги бор? — хуноби ошиб сўради машҳур адиб.

— Бардошлироқ бўлинг, Лев Николаевич! Ҳатто Россиядаги энг ёмон итнинг кейинги оёғи бўлган аҳмоқ одам ҳам сиз билан қизиқади-да, ахир, — деди репортёр.

— Ҳа, албатта, буни ҳозир ўз кўзим билан кўрдим, — дея у шартта бурилиб ижодхонасига кириб кетди.

Сал-пал қимирлаяпти

Машҳур актёр Жан Маре Япония бўйлаб саёҳат қиларди. Шунда у японларнинг гуручдан тайёрланган ароғи — сакэнинг мазасини татиб кўрмоқчи бўлди. Ресторанда бир қадаҳча ичувдиямки, ҳамма нарса бетартиб чайқалаётгандай туюлди. Жан Маре официантни чақирди:

— Ароғингиз жуда ўткир эканми, бир ютишда одамни «йиқитади» шекилли? — деди сал ҳайратланиб.

— Ҳеч ташвишланманг, Маре-сан, — жавоб берди у. — Бу оддийгина ер силкиниши эди. Сакэ ҳали-вери сизни ўрнингиздан «қўзғатмайди».

Унда шипшитиш керак

Вольтер хайрия концертлардан бирига кириб қолди. Саҳнада ҳаваскор хонанда ария айтарди.

Бироз тинглагач, у асабийлашиб деди:

— Рости, қўшиқчи бориб турган меров экан.

— Бу унинг айби эмас, шивирлади ёнида ўтирган тингловчи, — Шўрлик туғма меров, қулоғи оғир, бақир-чақирни эшитмайди.

— Шунақами? Балки унга шипшитиш керакдир, ария аллақачон тугади,— деб Вольтер бош силкиб қўйди.

Маршаллар айтсин

Екатерина II Петербургга машҳур италиялик қўшиқчи Габриеллани таклиф қилди.

Қўшиқчи ҳам анойи эмасди, маликадан икки ойлик ижодий сафарга олдиндан 5 минг червонцни сўраттирди. Малика ўта тежамкор эди, беҳудага ғазнани совурмасди.

— Менинг фельдмаршалларим ҳам бундай маош олмайди, — жаҳли чиқди маликанинг. Ва шундай деб қўшиқчига хабар қилдирди.

— Ундай бўлса, — дея жавоб йўллади италиялик мағрур хонанда. — Сизнинг шарафингизга ўша фельдмаршаллар қўшиқ айтсин!

Қолипга тушмаган қонда

Швецарияда транспорт йўлида содир бўлаётган бахтсиз ҳодисалар сабабини аниқлаш учун махсус текширув гуруҳи ўз ишини якунлади. Текширув якуни ҳеч кутилмаган натижа берди. Ҳамма бахтсизликлар сабаби қонда экан.

Биламизки, транспорт серқатнов йўлларда «ўтиш жойи» — зебра чизиқлари бор. Йўловчи «зебра» йўлкадан кетаётганда жуда хотиржам бўларкан. «Ахир зебра»да машиналар ҳушёр «одам ўтади» деган хаёлда бўлишади деб бемалол ҳаракат қилади. Аниқроғи, одамда қандайдир алдамчи қайфият пайдо бўларкан.

Швед йўл полициячиларнинг бу текшириви ростанам қизиқ. Унда «зебра»нинг кераги йўқдир. Полициячиларнинг ҳам боши қотди. Ё ҳамма «пиёдалар ўтиш жойи»га яшил чироқ ўрнатиш ёки «зебра»дан умуман воз кечиш. Ахир қолипига тушмаган йўл қонасидан кимга фойда, кимга зарар.

Ҳозирча шведлар аниқ тўхтам фикрга келишганича йўқ.

Ҳазилкаш қасоскорлар

Пермда шаҳар транспортида, кўчаларда, биноларнинг пештоқида ғалати эълонлар баҳорги ёмғирдан кейинги қўзиқориндай бодраб кетди: «сексга таклиф этамиз».

Шаҳар мэри Юрий Трутнев «Электротранспорт»даги бундай бемазагарчиликка чек қўйишга қаттиқ киришди. Албатта, секс ҳам кимларгадир даромад манбаида. Секс «ишбилармон»лари ҳам мэрнинг бу «кураши»га муштингга мушт қабилида иш тутди. Маълумки, мэр-мэр бўлгунча машҳур «Экс — Лиметед» тижорат фирмасини бошқарганди. Энди сексчилар киши билмас йўсинда «Секс лиметед» деган ном остида реклама, эълонларни «кераклі» жойларга ёпиштирадиган бўлди.

Секс «ишбилармон»ларнинг бу қилиғини «Перм янгилик»лари газетаси «Ҳазилкаш қасоскор»лар деб атамоқда.

Тўпловчи Саида ЙЎЛДОШЕВА

Муҳиддин Қори Ёқубов таваллудининг 100 йиллигига

«Биринчи ҳофиз»



Мустақиллигимизнинг еттинчи йили, халқона талқинга кўра чиндан ҳам мўъжизали ва тарихий воқеаларга бой бўлди. Кўҳна Самарқанд ва Фарғона тупроғидан бошланиб, асли — моҳиятда табаррук замин — Ўзбекистон номи ва шаънини рубъи маскун — машриқу мағриб узра қайта-қайта улуғлаган, том маънода қутлуғ саналар таассуроти ҳали хаёлимиздан нари кетмай туриб, олдинма-кейин Маннон Уйғур ва Қори Ёқубовнинг муборак ёднома кунлари — 100 йиллик тўйларини ўтказиш насиб этди. Шубҳасиз, бундай бардавомликнинг, шоир лутф этганидай, «ўз ҳикмати бор»: чиндан ҳам неча минг йиллик миллий тарихимиз жилдларини бир-бир варақлаб, синчиклаб ўрганадиган бўлсак, балким, йилнинг ўн икки ойигина эмас, бобомерос муқаддас тақвимнинг ҳар бир куни бирор шонли санага тўғри келса ҳеч ажаб эмас...

Муҳиддин Қори Ёқубов!.. Бундай оташқалб зотларни фақат миллий Уйғониш даври, Ҳуррият ва Истиқлолият асри (даставвал, буюк маърифатчи, ҳурфикр, даҳо, адибу шоирлар — фидойи жадидлар шуури ва тафаккурида, қалби ва руҳиятида уйғониб, уларнинг чорасиз, қийноқли даъвату нидоларида, бўғилган овозлари ва армонларида қолган), Оллоҳнинг иноятн ва ҳидояти билан асримизнинг охирги ўн йиллигида ёруғликка чиққан, ҳур замон яратиши мумкин.

Бу туғма истеъдод соҳибининг, тенги ва нисбати топилмас, бетакрор санъаткорнинг босиб ўтган ҳаёт, қисмат ва ижод йўлида, унинг боқий санъат, бадиият эътибори-ла ёруғ, шукуҳли, айни пайтда аламизтиробли, эҳтимол, армонли манзилларида кўрсатган жасорати, ирода-саботи бугун бизни ҳайратга солади, ўйга толдиради...

Муҳиддин Қори Ёқубов 1916 йилдан эътиборан, яъни Фарғона шаҳрида тузилган янги замонавий («духовой») оркестр тўгарагининг биринчи мусиқачи-созандаси даражасидан (бу фотоҳужжатда сақланиб қолган) то умрининг охиригача — бугун ўз номи билан аталувчи Ўзбекистон Давлат филармониясининг асосчиси сифатидаги юксак мартабагача миллий мусиқа ва театр санъатининг барча такомил мақомотини босиб ўтган, ана шундай тадрижийлик маъносида ҳам асримиз маданиятининг беназир арбобидир.

Не ажабки, асл моҳиятию руҳияти билан халқдан чиққан, туғма истеъдодли санъаткорнинг миллий мусиқамиз асоси — фольклор манбаларини яхши билиши («500-600 чамаси куй, қўшиқ, ўйин оҳангларини тўпладим» — «Таржимаи ҳол»дан), айни бир пайтда Оврўпо мусиқа маданият намуналарига тараққийпарвар жадидлар позициясидан ёндошуви, яъни ўз халқини — уйғонаётган миллатни умумжаҳон мусиқа маданияти ютуқлари, янги жанрлар, янги оҳанг, усул-воситалар, ўзгача-ғаройиб тимсол-образлар билан баҳравар этиш истаги билан ёниб яшаши, оқибат-натижада катта муваффақият, ҳатто шуҳрат қозонишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилди. Қори Ёқубовнинг ўз изланишларида давр садосига не чоғлиқ ҳамовоз бўлганлиги, масалан: «Фарғона» рўзномаси (1924 йил, 10 июль)да аниқ ифодасини топган: «Озодлик болалари» операсидан ариялар (халқ қўшиқлари заминида F. Зафарий яратган мусиқий инсценировкалар «кичик опералар» номини олган эди), «Туркистон», «Қамчинбек» ва бошқа қўшиқлар томошабинлар талабига мувофиқ бир неча бор такроран ижро этилди... Концертда Муҳиддин Қори асосий ўринни эгаллади, у эски ва нотага олинган янги ашулаларни баланд руҳ билан ижро этди...»

Муҳиддин Қори Ёқубов истеъдодининг бош манбаи — тарихий-миллий илдизлари, аввало, она халқининг сеҳрли-жозиб куйларида, шўх-ўйноқи ва дардли қўшиқларида («Танавор», «Усмония», «Андижонча», «Роҳат», «Галдир» в.б.) мужассамланган асрий орзу-умид, алам-армонларини дилдан ҳис этишида, халқнинг ижодий даҳосини чуқур меҳр-ихлос билан ўзлаштиришида намоён бўлди.

«Машҳур халқ созандаларини йиғиб, улар билан ойлик машғулот ҳозирлигини кўрдим... Ўзбек мумтоз ва халқ ашулаларини тўпладим. Машғулот жараёнида Наркомпрос ўз вақтида маблағ билан таъмин этмагани сабабли, Фарғонада отамдан мерос қолган уйни сотишга тўғри келди, пулини труппа аъзоларига ойлик маош тарзида тўлаб, жамоани ушлаб турдим» («Таржимаи ҳол»дан). 20 кишидан иборат концерт труппасининг хонанда ва созандалари сафида Иттифоқ ва жаҳон кўрикларида қатнашган машҳур ижодкорлардан Юсуф Қизиқ Шакаржонов, Уста Олим Комилов, Тамара Хоним, Тўхтасин Жалилов, Аҳмаджон Умрзоқов, Абдуқодир Исмоилов, Беркинбой Файзиев, Жўрахон Султонов ва бошқалар бор эди.

Қори Ёқубовнинг ўзбек санъаткорларидан биринчи бўлиб, масалан, Москвада ўтган таҳсил, ижодий сафарлар, турли мулоқотлар давомида, Париж, Берлинда ўтган гастроллар чоғида жаҳонга машҳур режиссёрлардан В. Мейерхольд билан, мусиқа-вокал санъати педагоги З. Рейх билан, айниқса, атоқли опера хонандаси А. Нежданова ва буюк композитор С. Раҳманиновлар билан учрашуви, қизғин суҳбатлари унинг ижодида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

1927-1929 йилларда Қўқон ва Андижонда этнографик ансабль заминида биринчи мусиқали драма театрларини яратишда асосий роль ўйнаган Қори Ёқубов, ниҳоят, пойтахт Самарқандга чақирилди. Қайта тузилган «Ўзбек давлат экспериментал ансабмли» таркиби Миршоҳид Мироқилов, Гавҳар Раҳимова, Ҳалима Носирова, Лутфихоним Саримсоқова, Тожи Зода, Бобораҳим Мирзаев, Зуҳур Қобулов, Ҳожи Сиддиқ Исломов ва бошқа санъаткорлар билан тўлдирилди. 1929 йил 7 ноябрда республика ҳукумати қарори билан ансамблга «Ўзбек давлат мусиқали театр» номи берилди.

«Труппа жамоаларини тузиш, концертлар ташкил этиш, репертуар яратиш, уларни янгилаб бориш, ёш истеъдодларни, айниқса, хотин-қизларни саҳнага чиқариш, театр-студияга, мусиқий маърифат — таълимга, ансамблга, янги мусиқий театрга раҳбарлик қилиш, гастрол сафарларини, кўрик-концерт дастурларини тайёрлаш — буларнинг ҳаммаси катта куч-ғайратни талаб этарди. Қори акамлар доимо янги бир ғоя билан чиқар, уни амалга ошириш билан тамомила банд бўлар, барчасига улгурар, тиним нималигини билмасди. Табиатида қандайдир ўзгача сифатлар бор эди: ҳаётдаги аниқ кўриб, ушлаб бўлмас жиҳатлар — сирли-руҳий ҳолатларни «тутиб», билиб, илғаб оларди. Вақтни, давр руҳини ўта синчковлик билан ҳис қила билардн...» (Тамара Хоним эсдаликларидан).

30-йилларда Қори Ёқубовнинг ижодий таржимаи ҳолида миллий опера яратиш ғоясини амалга ошириш билан боғлиқ янги саҳифа очилди. Дарвоқе, бир неча йил муқаддам Берлиннинг Шуберт-залидаги бадиий чиқишларида (1925 йил) «Ўзбек мусиқа санъати қайси йўлдан ривожланади?» — деган саволга Қори Ёқубов: «Биз ўз миллий операмиз ва балетимизни яратишга интиламиз» деб жавоб берган эди. Янги ташаббусни Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевлар қўллаб-қувватладилар ва опера студияси ташкил қилиш ҳақида ҳукумат қарори чиқди. Қори Ёқубов студия директори этиб тайинланди.

1936 йил июлида Қори Ёқубовга Ўзбек Давлат филармониясини ташкил этиш вазифаси топширилди. Миллий маданиятимиз тарихида биринчи марта турли бадиий жамоалардан иборат иқтидорли ижодкор кучлар ягона марказга жамланди. Катта қўшиқ ва рақс ансамбли, Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри, Дуторчи қизлар ансамбли, Ўзбекистон хор капелласи, Тамара Хонимнинг Қўшиқ ва рақс ансамбли...

1938 йилдан эътиборан машҳур санъаткор, маданият арбобининг ижодий фаолиятида янги давр бошланди — у ўзбек опера санъатининг асосчиларидан биригина эмас, етакчи актёрларидан бўлиб қолди.

Бугунги озоду обод истиқлолият замонида Муҳиддин Қори Ёқубовни етарли асос, комил ишонч, чуқур эҳтиром ила номини санъатсевар халқимиз, санъатпарвар жамоатчилик ўзгача қадр, эъзоз, ўзгача меҳр, ғурур билан ёдга олиши мутлақо қонуний бир ҳолдир. Маннон Уйғур ёдномаларидан: «Овоз пардаларида, ашула айтиш тарзи-усулида Муҳиддин Қори Ёқубовнинг тенги йўқ. Опера партиялари ижросида кўркам, пурвиқор, ўктам. Янги-янги жамоалар бунёд этишда беназир ташкилотчи. Минбарда ҳақгўй, эҳтиросли нотиқ. Қачон ва қаерда бўлмасин, Муҳиддин Қори Ёқубов — ҳозиру нозир, илҳомкор, шайдо, бетакрор...»

Ботирхон АКРАМ,
профессор,
халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармасининг бўлим бошлиғи

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998-yil 15-dekabr, seshanba № 149 (24.386).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Олтиндек товланар кумуш нишонлар

13th ASIAN GAMES BANGKOK 1998

Балки бу сўзлар ашаддий мухлисларга эриш туюлар. Тўғри, ҳақиқатдан қизғин ва муросасиз баҳсларда вакилларимиз ҳозирча ягона олтин медалга сазовор бўлиб турибдилар. Бундай нишонлар учун кураш эса тобора ҳал қилувчи паллага кирмоқда. Аммо, қочган ҳам, қувган ҳам худо дейди. Боиси, ҳали умидлар пучга чиққани йўқ. Бизга аталган олтин медаллар нақд турибди. Кўнгилни тўқ қилиб, боксчиларга, курашчиларга ва енгил атлетикачиларга умид боғласа бўлади. Ўйлаймизки, ой юлдузли байроғимиз яна бир неча бор кўтарилиб, мадҳиямиз таралгусидир.

Ўтган дам олиш кунлари бўлиб ўтган мусобақаларда терма жамоамиз аъзолари ишончни оқлашга астойдил интилдилар. Жамғармамизга яна 3 та кумуш медаль қўшилди. Улардан бирини олишга мерган Дилшод Мухторов пистолетдан 25 метрлик масофадан туриб нишонга олишда маҳорат кўрсатиб, ғолиблик супасининг иккинчи поғонасини эгаллашга муваффақ бўлди. Енгил атлетикачи Абдулла (уни Андрей ҳам дейишади)Абдувалиев тўқмоқ улоқтиришни ўрнига қўйди. У 77 метру 14 сантиметрли маррани эгаллаб, кумуш медаль соҳиби бўлди. Мамлакатимизда спортнинг кураш тури яхши ривожланганлиги Осиё ўйинларида ўзига хос исбот топмоқда. Дзюдочиларимизнинг чиқишлари қуруқ бўлмади, эркин курашчилар ҳам бўш келишмаяпти. Юнонрум усулида беллашувларда эса Баҳодир Қурбонов кўксига кумуш медаль осди. Маълумки, кумуш нишонларда бўлгани каби бронза соҳибларини шарафлашда ҳам мамлакат байроғи кўтарилсада, мадҳия чалинмайди. Бундай шараф — 50 метрли масофадан нишонга олишда ҳамкорликни ўрнига қўйган мерганларимизга насиб этди. Улар жамоа ҳисобида учинчи бўлиб бронза медали олишди. Шунингдек, оғир атлетикачи Бахтиёр Нуриллаев икки курашда 347,5 килограммли натижа билан ғолиблик супасининг учинчи поғонасини эгаллади.

Футбол учрашувлари ҳал қилувчи босқичга кирди. Зеро, Осиё чемпиони номини олиш учун курашда чорак финалга йўлланма олиш осонмас. Иккинчи босқичнинг тўртта гуруҳида олиб борилган ҳужумкор учрашувлардан кейин омади келган саккиз жамоа чорак финалга йўлланма олди. Хусусан, биринчи гуруҳда футболчиларимиз бундай йўлланмани барвақт қўлга киритдилар. Улар КХДР (4:0), Ҳиндистон (2:0), Туркманистон (1:1) футболчилари билан ўйнаб, 7 та очко тўплаган ҳолда гуруҳ ғолиби бўлишди. Иккинчи ўрин 5 очколи туркманларга насиб этди. Иккинчи гуруҳда ўтказилган якунловчи БАА — Япония (1:0), Корея — Қувайт (1:0) учрашувлардан кейин ўринлар аниқланди. Корея 6 очко билан биринчи, Қувайт 3 та очко билан иккинчи бўлди. Учинчи гуруҳда ҳам курашни давом эттириш учун баҳс авжга чиқди. Сўнгги икки учрашувда чорак финалчилар аниқланди. Хусусан, Хитой — Эрон (1:2), Уммон — Тожикистон (3:3) ўйинларидан кейин, хитойликлар билан Эрон футболчилари 6 тадан очко тўплашди. Ниҳоят тўртинчи гуруҳда Қозоғистон — Ливан (0:3), Катар — Таиланд (2:1) жамоаларининг ўзаро учрашувларидан сўнг ғолиблар маълум бўлди. Катар футболчилари 6 очко тўплаб биринчи, Таиланд футболчилари 4 очко тўплаб иккинчи ўрин олишди. Кеча Туркманистон — Хитой, Корея — Таиланд, Катар — Қувайт жамоалари ўртасида чорак финал учрашувлари ўтказилди. Ўзбекистон терма жамоаси эронликлар билан бўлган учрашувда жуда бўш ўйнади. Натижада П. Бугало дарвозасига тўртта жавобсиз тўп киритилди. Шундай қилиб, жамоамиз мағлуб сифатида Ватанга қайтишга мажбур бўлди.

Ҳайдар НОСИРОВ

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Тўлқин ЭШБЕК, навбатчи Соҳибжон САЛИМОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 20.025 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
Г — 0592
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.40
1 2 3 4 5 6.
СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Оддий муаллим

Орамиздаги одамлар

Анган ҳаёт пиш-санчиқларидан,
Йиқилса кўтарган қўлтиқларидан,
Отадек эзилган гуссага ботса,
Боладек қувонган ютуқларидан.
Уйқуда шогирдин ўйлаб ётган ким?..
Оддий муаллимда, оддий муаллим.

Муҳаммад ЮСУФ

У бугун ҳам метронинг «Пушкин майдони» бекатидан ташқарига чиққанида кеч куз офтобининг ҳорғин нурлари дарахтларнинг сомондай сарғайган сийрак япроқларига сепилаётганди. У ўйчангина қадам ташлаб бораркан кўз ўнгидан болалиги, ўсмирлиги ва бугунги кунлари турналардай тизилиб ўтди. У буюк маърифатпарвар Абдулла Авлоний туғилган шаҳарнинг «Қўкмасжид» маҳалласида акрабнинг бошларида таваллуд топди. Отаси — Мансурхон Носиров ва онаси Пошшохон ая Исломовалар ўн фарзандни вояга етказдилар.

Рамзиддин Носиров оилада учинчи фарзанд. У 1972 йили ТошДУнинг физика куллиётини тугатиб, ўша ерда илмий ходим бўлиб ишлай бошлади. Кейинчалик уни ёш авлодга билим беришга бўлган қизиқиши 196-ўрта мактабга етаклади. У ерда тез кунларда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари вазифасига кўтарилди. Шундан сўнг у физика ўқитувчиси бўлиб ишлай бошлади.

1995 йилда Халқаро иқтисодиёт ва дипломатия институти қошида ташкил этилган ижтимоий йўналишдаги республика махсус гимназиясига ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари вазифасига ишга чақирилди. Гимназия директори физика-математика фанлари номзоди Абдусалом Умаров ҳамкорлигида иш бошлаганди. Ўшанда 6 та синфда 71 нафар ўқувчи таълим оларди. Бугунги кунда гимназия Тошкент шаҳридагина эмас, республикада кўзга яқин бўлиб қолди. Айни кунда биринчи синфдан XI синфгача болалар таълим олишмоқда. Ўқувчилар сони ҳам 662 нафардан ортди, 26 синфда дарслар ўтилмоқда. Бу йил XI синф ўқувчилари илк қалдирғоч бўлиб учади. Гимназиядан ҳар йили Япония, АҚШ, ГДР каби давлатларда ўқиш учун иқтидорли болалар танлаб олинади. Бундан ташқари, аълочи ўқувчилар чет элларга боришиб, у ердаги тенгдошлари ҳаёти ва ўқишлари билан танишиб, ўрганиб келишади. Шу кунларда ҳам танловдан 13 нафар ўқувчи АҚШга жўнаб кетиш ҳаракатида...

Шу хаёллар билан Рамзиддин ака гимназия биносига кириб келганида, уни касбдошлари, ўқувчилар гуллар ила муборак 50 ёши билан қутлаб кутиб олишди.

Гимназия директори Абдусалом Умаров Рамзиддин акани қутлаб, 28 йиллик меҳнати эвазига берилган «Халқ маорифи аълочиси» мукофоти билан табриклади. Йиғилишда жуда кўпчилик у ҳақида илиқ гаплар гапиришди.

— Рамзиддин ака чуқур мулоҳазали талабчан, тадбиркор, ўз устида доим ишлайдиган, ёшларга ўрнак оддий муаллим. Биз уларни доимо меҳнат устида, ёш ўқувчиларга йўл-йўриқ бераётганида, кундалик конспектларини текшираётганида, ўқувчиларнинг мусобақаларига бошчилигида учратамиз.

Рамзиддин ака ўз фани — физикани жуда севади. Ўз фанини ўтаётганда замонавий физика ютуқларини қўшиб, дарсларни мазмунли қилиб ўтказади.

— Ўз касбини севувчи, ҳаётини ёшлар тарбиясига бағишлаган устоз нафақат ўқувчиларга, биз ўқитувчиларга ҳам ўрнак, — дейди гимназия ўқитувчиси, биология фанлари номзоди Музаффар Асроров.

— Мен Рамзиддин Носировни кўп йиллардан бери яхши биламан. Айниқса, унинг ҳаракатчанлиги, ташаббускорлиги ҳайратга солади. У физика ва уни ўқитиш методикасини чуқур билади — деди физика-математика фанлари номзоди, доцент Адҳам Маматқулов.

— Устоз Рамзиддин ака 3 йилдан бери бизга физикадан билим берадилар. Улар ҳар бир дарсни ўқув қуроллари ёрдамида ўтадилар. Дарсда ўқитувчи бўлсалар, дарсдан сўнг отадай маслаҳатгўй бўлиб қоладилар. Дарсдан ташқари вақтда ҳам улардан ёрдам сўрасанг, ҳеч вақтларини аямайдилар, — деди 11«Б» синф ўқувчиси Умида Саидқулова.

Гимназия биносининг қаватларини айланиб юрарканмиз гиламлар тўшалганлигини, керакли жойларга диван, креслолар қўйилганлиги, синфларнинг озодалиги ва улар компьютерлар билан жиҳозланганлиги бизни қувонтириб, ҳавасимизни ошириб юборди. Беихтиёр Президентимизнинг «Улуғ аждодларимиз асос солган ва оламга донг таратган илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклашимиз лозим» деган сўзлари ёдимизга тушади.

— Ҳа, гимназиямизнинг бутун республикамизга, қолаверса чет элга ҳам танилиши бу албатта энг аввало, чуқур билимли ўқитувчиларни ишга жалб қилганлигимиз, — дейди Рамзиддин Носиров, — улар моҳир, ўз касбини севувчи ўқитувчилардир. Жуда кўп қисми фан докторлари, фан номзодлари. Биз уларни пойтахтимизнинг турли институт ва университетларидан таклиф этганмиз.

Яна бир эътиборга олинган нарса бу — гимназияни замонавий техник воситалар билан тўла таъминланганлиги. Асосий фанларни ва инглиз тили дарсларини чуқурлаштириб ўрганишни биринчи ишимиз деб биламиз. Гарчи, гимназия она тили, адабиётга йўналтирилмаган бўлса-да, ўқувчиларни турли, ҳатто чет эл адабиётларини, кундалик матбуотларни ўқишга ундаб турамиз. Зотан, бугунги ўқувчи бутун дунёни билиб туриши керак. Шунинг учун ҳам гимназияда Чўлпон номидаги адабий тўгарак ташкил этганмиз. Бундан ташқари, таниқли шоир, ёзувчилар ва бошқа фан арбоблари билан тез-тез учрашувлар ўтказиб турамиз.

Гимназиямизда спорт тўгараги ҳам мунтазам ишлаб турибди. Эрталаб келган болалар кеч ота-оналари ишдан қайтишга қадар бўлишларини ҳисобга олиб, шашка-шахмат ўйинларини яхши йўлга қўйганмиз.

Рамзиддин ака сўзини тугатар экан, беихтиёр хонадаги дуторга кўзимиз тушганини кўриб, жилмайиб: бўш пайтларим дўстлар даврасида қўшиқ айтиб тураман, — деди. Бизнинг илтимосимиз билан Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон шеърига ўзи куй басталаган қўшиқни куйлади. Оддий муаллимнинг ширали овози бутун гимназия биносини анча вақтгача тутиб турди.

Турсун АЛИ

Тошкент шаҳар кўчмас мулк биржаси 1998 йил 25 декабрь ҳамда 1999 йил 15 январь кунлари соат 11.00 да

КИМОШДИ САВДОЛАРИ ЎТКАЗАДИ

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Халқ банки Акмал Икромов тумани бўлимининг «Ўрикзор» даҳасида жойлашган умумий майдони 223,5 кв.м. бўлган қурилиши тугалланмаган биноси. **Бошланғич нархи 14498700 сўм.**
2. Сирғали туманида жойлашган «757-электромонтаж поезди» корхонасининг спорт соғломлаштириш муассасаси. Умумий майдони 648 кв.м **Бошланғич нархи 31836232 сўм.**
3. Акмал Икромов туманида жойлашган Республика олимпия резервлари билим юртининг «ЕРАЗ — 762В» русумли автомобили. **Бошланғич нархи 78904 сўм.**
4. Чилонзор туманида жойлашган «SDF» акционерлик жамиятининг «ГАЗ-24» русумли автомобили. **Бошланғич нархи 115917 сўм.**
5. Миробод туманида жойлашган «Махсус тажриба автокорхона» акционерлик жамиятининг «РАФ-2203» русумли автомобили. **Бошланғич нархи 171997 сўм.**
6. Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги Темур Малик кўчасида жойлашган 6,16-6 сонли, Сирғали туманидаги Ново Сергелийская кўчасида жойлашган 45, 96, 107 сонли якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари. **Бошланғич нархи — 224449 сўмдан** (ҳар бир ер участканинг майдони 0,04га). Ким ошди савдоси 1999 йил 15 январда ўтказилади.
7. Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Авэк-Моторс» акционерлик жамиятининг «КамАЗ-53212» русумли автомобили. **Бошланғич нархи 184291 сўм.**

Биржа савдолари ҳафтанинг сешанба ва пайшанба кунлари ўтказилади.
Тўловлар турли шаклларда амалга оширилади.

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 13-уй, 1-қават, 1-хона.
Телефонлар: 144-44-72, 144-44-73
ШОШИЛИНГ, БУ СИЗНИНГ ИМКОНИЯТИНГИЗ!

Шу билан бирга давлат хазинасига қарздор ва иқтисодий ночор бўлган корхоналарнинг ҳар хил турдаги асбоб-ускуналари ҳам савдоларга қўйилади.

Кимошди савдоларида юридик ва жисмоний шахслар қатнашиши мумкин. Ер участкаларига аризалар қабул қилиш ким ошди савдосидан уч кун олдин тўхтатилади.

Диққат! Викторина!

«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси ва Жазоир Халқ Демократик Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси «Дўстлик ва ҳамкорлик йўлида» мавзусида викторина ўтказади.

Қуйидаги саволлар Сизнинг ҳукмингизга ҳавола этилади:

1. Жазоир халқи асрлар оша кўплаб чет эл тажовузлари ва босиб олишга уринишларига қаттиқ қаршилик кўрсатгани билан ажралиб туради.
Айниқса, 1830 йил Сиди-Ферушга (Жазоир шаҳри) француз қўшинларининг туширилишидан кейинги қаршилик кўрсатиш ҳаракатларига оид бир неча мисоллар келтиринг.
2. Жазоир ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари узоқ вақтлардан бери давом этиб келмоқда. Икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар Ўзбекистон мустақилликкка эришгандан кейин ўрнатилди. Сизнингча, жазоир ва ўзбек халқлари ўртасидаги алоқаларни, Жазоир ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо иқтисодий алоқаларни қандай йўл билан янада ривожлантириш мумкин?
3. Ўзбекистон вилоятларидан бирининг номини олган жазоирлик қўшиқчининг исми қандай? Унинг ўз ёзилиши, мавзуси томонидан ҳам, фойдаланилган чолғу асбоблари билан ҳам ўзбек оҳангларига яқин мусиқасининг номи қандай?

Ғолибларни мукофотлар кутмоқда.
Жавобларингизни 1998 йил 31 декабргача қуйидаги манзилга йўлланг.

Тошкент, 700000, Шодлик кўчаси, 6, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси. «Викторинага»

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманида рўйхатга олинган «Самад» хусусий фирмаси **ТУГАТИЛАДИ**

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддат ичида 75-56-80 рақамли телефон орқали қабул қилинади

Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти ректорати ва жамоаси санъатшунослик кафедраси профессори, санъатшунослик фанлари доктори **Гулшаҳноз Мамажоновна РАҲМОНОВАнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради ва марҳуманинг оиласи ҳамда яқинларига ҳамдардлик изҳор қилади

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Серқуёш юртимизнинг муҳтарам меҳмонлари!

Энг универсал банк ҳисобланмиш Ўзбекистон акционерлик-тижорат саноат-қурилиш банки

Сиз, азизларга ўз хизматларини таклиф этишдан ғоят мамнунлигини изҳор этади ва аҳолидан миллий валюта — сўмда ва бошқа чет эл валюталарида жамғармаларга маблағларни республикамизнинг барча вилоятларининг 47 та бўлимида жойлашган 167 та жамғарма кассаларида омонатларни чегараланган миқдорда қабул қилади.

Банк сизнинг сармояларингиз ҳақидаги маълумотларни сир сақлашни ва сизнинг биринчи талабингиз билан қайтариб беришни кафолатлайди

Банк мавжуд бўлган 10 турдаги омонатларнинг сиз истаган турига сармояларингизни жалб қилиб, кўпайтириб беришга қодир.

Эзгу ишларингизга ривож, сармояларингизга баракот тилаймиз

Телефонлар: 133-34-45, 133-32-36, 136-75-49

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ

Банкнинг навбатдаги акциялари эмиссияси очилганлиги ҳақида маълум қилади

Банкнинг эълон қилинган устав капитали 4 млрд. 500 млн. сўмни ташкил этган бўлиб, акцияларнинг номинал қиймати 1500 сўмга тенгдир. ЎзСҚБ акцияларини банкнинг барча филиалларида сотиб олиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 133-24-86, 136-14-77

ЎзСҚБ бошқаруви